

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

810 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари асоссиз аралашувининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида» 2017 йил 5 майдаги ПФ–5037-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (кейинги ўринларда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил деб аталади) таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2017 йилда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратиغا жорий таъминот, идора мебелли, компьютер техникаси, ташкилий техника сотиб олиш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратсин;

2018 йилдан бошлаб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратиغا жорий таъминот, хорижий тиллардаги адабиётларни сотиб олиш, журналларга ва бошқа даврий нашрларга обуна бўлиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили маблағлар ажратишни назарда тутсин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати ходимларига транспорт хизмати кўрсатишга лимитлар ажратилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, қуйидагилар:

техник қўмаклашиш маблағлари, халқаро ва хорижий ҳукумат, ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари;

юридик шахсларнинг ўрганишлар ва таҳлиллар учун ажратадиган маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобланади.

4. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратини транспорт воситалари билан таъминлаш белгиланган лимитларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятини моддий-техник ва ахборот билан таъминлаш учун техник қўмаклашиш маблағлари, халқаро ва хорижий ҳуқуқмат, ноҳуқуқмат ташкилотларнинг грантларини жалб этиш масаласини халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ишлаб чиқишда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратига қўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати ходимларининг хорижий мамлакатларга чиқиб илғор хорижий тажрибани ўрганиши, шунингдек хорижий экспертларни таклиф қилишни ташкил этиш масаласини халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ишлаб чиқишда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратига қўмаклашсин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг буюртманомалари бўйича Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолиятини моддий-техник ва ахборот билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек тажриба алмашаётган хорижий мутахассисларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суднинг статистика ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг бюллетенлари ва йиллик маълумотномалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар марказининг хорижий матбуот шарҳлари ва таҳлилий маърузалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ва Ижтимоий тадқиқотлар инсти-

тутининг таҳлилий материаллари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратини босма ва китоб маҳсулотларининг (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар) бепул назорат нусхасини оладиган ташкилотлар рўйхатига киритсин ва Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг буюртманомалари бўйича ахборот-таҳлилий ва илмий маҳсулотлар нашр этилишига қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратининг сўрови бўйича белгиланган тартибда:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати алоқанинг зарур турлари ва воситалари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан жиҳозланишини, шунингдек бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидан кенг полосали фойдаланишини;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратининг Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондидан ва етакчи хорижий лицензион ахборот-кутубхона ресурслари фондларидан доимий равишда электрон фойдаланишини таъминласин.

10. Белгилансинки, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ва бланкаларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

11. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппарати Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 43-уй манзили бўйича жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бинолари комплексининг 2-корпусига жойлаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 август,
587-сон